UDK: 633.353.631.527.3

ХАШАКИ ДУККАК (VICIA FABA L.) НИНГ ТИЗМАЛАРИНИНГ 1000 ДОНА ДОН ВАЗНИ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Жуманова Маҳлиё Бобоқуловна,
Кичик илмий ходим
Жанубий деҳқончилик илмий тадқиқот институти.
Э-mail jumanovamahliyo59@gmail.com Tel: +99899 709 87 17
ORCID: 0009-0002-5559-7855

Аннотация: *Ушбу мақолада жанубий минтақалар хусусан Қарши тумани шароитида етиштирлиган хашаки дуккак (Vicia Faba L.) тизмаларининг 1000 дона дон вазни кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар ўз аксини топган. 2022-2024 йиллар шароитида олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, 1000 дона дон вазни Sel H -002-1/13/Sel TERLT 2016-6223- 2 тизма, SAEA тизма, Misr1X SEL.2008 LATT.49LB тизма, Misr 1 тизма, S2011-111xS2011.107 тизма ва Nubaria2xSel.F7/8975 тизмаларида бошқа тизмаларга нисбатан юқори бўлганлиги аниқланди ва селекция ишларида фойдаланиш мақсадида танлаб олинди.*

Калит сўзлар: *хашаки дуккак, Vica Faba L, жанубий минтақа, Қарши тумани, 2022-2024 йиллар, 1000 дона дон вазни*

Аннотация: *В данной статье представлены данные о массе 1000 зерен сортов бобов (Vicia Faba L.), выращиваемых в южных регионах, в частности, в районе Карши. По результатам исследования,*

проведенного в 2022-2024 годах, было установлено, что масса 1000 зерен у сортов Sel H -002-1/13/Sel TERLT 2016-6223- 2, SAEA, Misr1X SEL.2008 LATT.49LB, Misr 1, S2011-111xS2011.107 и Nubaria2xSel.F7/8975 была выше, чем у других сортов, и была отобрана для использования в селекционной работе.

Ключевые слова: *Бобовые,(Vica Faba L), южный регион, округ Карши, 2022-2024 гг., масса 1000 зерен.*

Abstract: *This article presents data on the thousand-kernel weight of bean varieties (Vicia Faba L.) grown in the southern regions, in particular, in the Karshi area. Based on the results of the study conducted in 2022-2024, it was found that the thousand-kernel weight of the varieties Sel H -002-1/13/Sel TERLT 2016-6223- 2, SAEA, Misr1X SEL.2008 LATT.49LB, Misr 1, S2011-111xS2011.107 and Nubaria2xSel.F7/8975 was higher than that of other varieties and was selected for use in breeding work.*

Key words: *Legumes, (Vica Faba L), southern region, Karshi district, 2022-2024, 1000 grain weight.*


Кириш: Бугунги кунда бутун дунёда озиқ-овқат ҳамда ем хашак муаммоси қамраб олган бўлиб, аҳолини экологик соф маҳслотлар билан етарли даражада таъминланиши долзарб вазифа ҳисобланади.

Дуккакли дон экинлари хусусан, хашаки дуккак (Vicia Faba L.) экини оқсилга бой, тўйимли озиқ-овқат маҳсулоти хисобланиб уни селекция йўли билан янги навларини яратиш ҳамда янги яратилган навни республикамиз кенг майдонларига жорий қилиш ва четдан келтирилган янги навларини интродукция қилиш селекционер олимларга муҳим вазифадир.

Тадқиқотнинг усуллари.Тадқиқотда тажрибаларни жойлаштириш ва тадқиқот давомида фенологик кузатувлар, ҳисоб ва таҳлиллар «Бутуниттифоқ Ўсимликшунослик институти ВИР» (1984) услуби бўйича (Дорофеев В. Ф. и др.) олиб борилди. ГОСТ 10987-76, 1000 та дон вазни ГОСТ 10842-89 бўйича таққосланиб ўрганилди. Олинган натижаларнинг статистик таҳлили Доспехов услуби асосида амалга оширилди.

Хашаки дуккак (Vicia Faba L.) тизмаларининг маҳсулдорлик кўрсаткичларидан хисобланган 1000 дона дон вазни таҳлил қилинганда 2022 йилда етиштирилган нав ва тизмаларда 404-787 граммгача бўлганлиги аниқланди.

1000 дона дон вазни энг кам бўлган 9883-3/2010/HBP/DSO/20, OtonoxSel. 2008 Latt. 638, 9883-3/DSO/2 тизмаларида 404 граммдан 489 граммгача бўлган бўлса, 1000 дона дон вазни энг юқори бўлган Sel H - 002-1/13/Sel TERLT 2016-6223- 2 тизмаси, SAEA тизмаси, Misr1X SEL.2008 LATT.49LB тизмаси, Misr 1 тизмаси, S2011-111xS2011.107 тизмаси ва Nubaria2xSel.F7/8975 тизмаларда 699-787 грамгача бўлиб бошқа тизмаларга нисбатан 295-298 граммгача юқори бўлди ва ушбу тизмалар танлаб олинди.



1-расм: Хашаки дуккак (Vicia Faba L.) нав ва тизмаларининг 1000 дона дон вазни, г (Қарши-2022 й.).

Тадқиқотнинг иккинчи яъни, 2023 йилда олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, 1000 дона дон вазни қайтариқлар бўйича ўртача 414-792,3 граммгача бўлганлиги аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

Хашаки дуккак (Vicia Faba L.) нав ва тизмаларининг 1000 дона дон вазни, (Қарши-2022-2024 йй.).


№	Нав ва тизмалар номи	1000 дона дон вазни, г			
		2022	2023	2024	Ўртача
1	India 1/Sel TERLT 2016-6246	671,5	672,3	676,7	673,5
2	Sel H -002-1/13/Sel TERLT 2016-6223- 2	748,5	746,6	745,5	746,9
3	ILB4538/Sel 2016 KFCH289	638,5	639,0	534,4	604,0

4	Sudan V1/Najah	657,5	655,3	652,2	655,0
5	Najah/F7/8983/05 X sel 2004 lat 393- 1/S 2008	637,5	639,6	634,8	637,3
6	F4/ILB1814 xZVC-line 1269-1505	590	595,0	588,2	591,1
7	SAEA	710	713,0	709,4	710,8
8	9883-3/2010/HBP/DSO/20	404	414,0	401,1	406,4
9	OtonoxSel. 2008 Latt. 638	489	480,0	488,6	485,9
10	Sel.99 lat.10268-3	626	623,6	638,5	629,4
11	B8833 (L82003)	567	569,3	567,6	568,0
12	BPL 2784	565	592,3	561,2	572,8
13	S2011-042X Misr1	665	655,0	663,8	661,3
14	Misr1X SEL.2008 LATT.49LB	763,5	764,0	769,4	765,6
15	Luz de OtonoxSel. 2008 Latt. 8	690,5	692,0	691,1	691,2
16	Misr 1	725,5	724,0	721,8	723,8
17	S2011-111xS2011.107	787	792,3	791,1	790,1
18	Nubaria2xS2011-111	612,5	542,3	615,4	614,2
19	Nubaria2xSel.F7/8975	699	698,0	694,4	697,1
20	9883-3/DSO/2	489	614,6	480,0	485,9
21	Luz de OtonoxSel. 2008 Latt.	650	638,0	644,6	644,2
22	BPL 2284	663	653,0	660,3	658,8
23	10130-4/2010/HBP/DSO/2	686	687,3	680,6	684,6
24	BPL 1179	540	488,6	532,3	538,2
25	Sel2010-cold/265-2xNubaria2	685	695,0	680,3	686,8
Энг баланд кўрсаткич		**787,0**	**792,3**	**791,1**	**790,1**
Ўртача кўрсаткич		**638,4**	**639,4**	**632,9**	**636,9**

Энг паст кўрсаткич	404,0	414,0	401,1	406,4
S_x	**1,2**	1,1	**0,8**	1,3
S_d	**1,7**	1,6	**1,2**	1,4
$НСР_{05}$	**2,5**	2	**2,4**	2,1
$НСР_{05}$ %	**0,1**	0,9	**0,6**	3,5
S	**0,3**	1,3	**1,5**	1,2
Cv %	**2,1**	1,9	**2,3**	3,4

1-жадвал маълумотларида хашаки дуккак (Vicia Faba L.) тизмаларида 1000 дона дон вазни энг кам бўлган 9883-3/2010/HBP/DSO/20 тизмада 414 г, OtonoxSel. 2008 Latt. 638 тизмада 480 г, BPL 1179 тизмада 488,6 г ва Nubaria2xS2011-111 тизмада эса 542,3 г ни ташкил қилганлигини кўриш мумкин.

1000 дона дон вазни энг юқори бўлган Sel H -002-1/13/Sel TERLT 2016-6223-2 тизмасида 746,6 г, SAEA тизмасида 713 г, Misr1X SEL.2008 LATT.49LB тизмасида 764 г, Misr 1 тизмасида 724 г, S2011-111xS2011.107 тизмасида 792,3 г ва Nubaria2xSel.F7/8975 тизмасида 698 г гача бўлиб бошқа тизмаларга нисбатан 250-284 граммгача юқори бўлди ва ушбу тизмалар танлаб олинди.



2-расм: Хашаки дуккак (Vicia Faba L.) тизмаларининг 1000 дона дон вазни, г (Қарши-2024 йй.).

Хашаки дуккак (Vicia Faba L.) тизмаларининг 1000 дона дон вазни 2022-2024 йиллар бўйича ўртача 406,4-790,1 г ни ташкил қилиб йиллар бўйича 1000 дона дон вазни барқарор бўлган Sel H -002-1/13/Sel TERLT 2016-6223- 2 тизма, SAEA тизма, Misr1X SEL.2008 LATT.49LB тизма, Misr 1 тизма, S2011-111xS2011.107 тизма ва Nubaria2xSel.F7/8975 тизмаларида бошқа тизмаларга нисбатан юқори бўлганлиги аниқланди ва селекция ишларида фойдаланиш мақсадида танлаб олинди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Muktadir M.A. yet al physiological and biochemical basis of faba bean breeding for drought adaptation –A.review //Agronomiy-2020.T.10 -№ 9 – S.10.

2. Электрон ресурс // Қишлоқ хўжалиги фанлари - М., 2014. – Кириш режими: http://www.science-educaitio.ru/118-14302

3. Арсеньева Е.В., Мармулева Е.Ю. Насекомые на посевах сои в северной лесостепи Приобья // Достижения и перспективы студенческой науки. Сборник научных студенческих трудов агрономического факультета, посвященный 80-летию Новосибирского ГАУ. – Новосибирск, 2016. – С. 19– 2

4. Доспехов Б. А. Методика полевого опыта. Москва, Агропромиздат, 1985. –С. 231-233

5. Межгосударственный стандарт ГОСТ 10842-89. Зерно зерновых и бобовых культур и семена масличных культур “Метод определения массы 1000 зерен или 1000 семян”. –Стандартинформ. –Москва. 2009.

6. ГОСТ 10846—91 Зерно н продукты его переработки. Метод он редеде ни я белкаУТВЕРЖДЕН И ВВЕДЕН В ДЕЙСТВИЕ Постановлением Комитета стандартизации и метрологии СССР от 18Л2.91 № 1995